

2. Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида” ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 225-модда; 2013 й., 41-сон, 543-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.01.2018 й., 03/18/456/0512-сон; 19.04.2018 й., 03/18/476/1087-сон)
https://www.norma.uz/uz/qonunchilikda_yangi/talim_tugrisidagi_yangi_qonun_asosiylari_haqida_qisqacha

РЕЗЮМЕ

Макур мақолада Янги “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва унга киритилган янги таълим шакллари ҳақида фикр юритилади, шу билан бирга инклюзив таълимнинг аҳамияти ва унинг қонунда акс этиши ёритилган.

РЕЗЮМЕ

В статье освещаются взгляды на новый «Закон об образовании», а также приводятся информация о новых формах образования и конкретно освещается важность инклюзивного образования и его отображение в новом законе.

SUMMARY

This article highlights the views on the renewed “Law on Education”, on new forms of education, specifically highlights the importance of inclusive education, its reflection in the new law.

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШДА МАХАЛЛИЙ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИНИНГ ЎРНИ

В.Ишқуватов – тарих фанлари номзоди

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети

Таянч сўзлар: ўзини ўзи бошқариш органи, маҳалла, тадбир, урф одат, чора-тадбир, ижтимоий сўров, муаммо, таклиф ва тавсия, мурожаат, кўни-қўшни.

Ключевые слова: органы самоуправления, махалля, мероприятия, традиция, мероприятие, социальный опрос, проблема, предложения и рекомендации, обращения, соседство.

Key words: self-government bodies, makhallya, event, tradition, event, social survey, problem, suggestions and recommendations, handling, neighborhood.

Ўзбекистонда ўзини ўзи бошқариш органи, яъни маҳалла ва унинг бугунги кун талаблари доирасидаги фаолиятини ёритиш масаласига давлат сиёсати даражасида аҳамият қаратилмоқда. Шу боисдан бугунги кунда жамиятимизда кечаётган чуқур ислохотлар шароитида ўз-ўзини бошқариш тузилмасининг халқимиз турмуш тарзидаги, оила ва жамият ҳаётидаги ўрнини мамлакатимиз мисолида тарихий нуқтаи назардан тадқиқ этиш ва умумлаштириш илмий ҳамда амалий аҳамият касб этади. Айниқса, сўнги йилларда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ҳаётида улкан ислохотлар амалга оширилмоқда. Бу борада мамлакатимиз Президенти томонидан 2017 йил 3 февралда янги таҳрирда қабул қилинган «Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Фармони муҳим қадам бўлди [1]. Бу борада 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида маҳалла институтининг жамият бошқарувидаги ўрни ва фаолияти самарадорлигини, жойлардаги ўзини ўзи бошқариш органларининг ролини оширишга катта аҳамият берилганлиги ҳам унинг жамиятдаги нуфузини янада ошганлигидан далолатдир [2].

Кўп асрлик тарихга эга бўлган маҳалла тизими Ўзбекистонда биринчи марта фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим бўғини сифатида маҳаллий давлат ҳокимиятидан ўрин олди. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, маҳаллалар фаолиятининг, уларга берилган ваколатларнинг демократик, қонуний асосини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ташкил этади [3].

Фуқаролик жамиятининг муҳим асоси сифатида Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ўзини ўзи бошқариш органларини шакллантиришнинг ҳуқуқий асослари ўз ифодасини топди [3]. Конституциянинг 105-моддасида “Шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек, улар таркибидаги маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар икки ярим йил муддатга раисни (оқсоқолни) ва унинг маслаҳатчиларини сайлаши”, белгилаб қўйилган.

Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг энг ёрқин кўриниши, айни пайтда фуқаролик жамиятининг асоси ва таянчи сифатида мустақиллик йилларида жамиятда бошқарув тизимларини ислох қилиш, давлат вазифаларини жамоат ташкилотларига босқичма-босқич ўтказиш, яъни қучли давлатдан, қучли жамиятга ўтиш борасидаги йўللар изчил давом эттириб

келинмоқда. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатлари, вазифалари Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Қонунида аниқ белгилаб қўйилган бўлиб, унда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг вазифалари сифатида қуйдагилар белгиланди:

– фуқароларга жамият ва давлат ишларини бошқаришда қатнашиш ҳуқуқини амалга оширишда қўмаклашиш;

– ўз ҳудудларида ижтимоий ва ҳўжалик вазифаларини ҳал қилиш, оммавий-маданий тадбирларни ўтказиш;

– давлат ҳокимияти органларига Ўзбекистон Республикаси Қонунларини, Президент ва ҳукумат ҳужжатларини, халқ депутатлари кенгашлари ва ҳокимликларнинг қарорларини бажаришда ёрдамлашиш мақсадида фуқароларни бирлаштириш [4].

Фуқаролик жамияти куриш шароитида фуқаролар йиғинининг коллегиял орган эканлиги ҳам муҳимдир. Яъни, маҳалла раиси кенгаши тегишли халқ депутатлари Кенгаши ёки ҳоким билан келишган ҳолда, заруратга қараб қакиради. Фуқаролар йиғини, барча аҳолини йиғишнинг иложи бўлмаган ҳолларда, белгиланган вакиллик меъёрлари асосида ўтказилади [4], дейилган. Бу эса ҳозирги фуқаролик жамияти куриш шароитида маҳалла раисларининг фаолиятида демократия, очиклик ва шаффофлик тобора кўзга ташланаётганлиги аниқламоқда. Бу эса маҳаллада истиқомат қилаётган фуқаролар бошқарувини осонлаштириш, уларни янада жипслаштириш, маҳалла идорасидан узок-узок ҳудудларда жойлашга хонадонларни янги маҳаллалар ва овулларга бирлаштиришни тақоза этмоқда.

Шу боисдан мустақиллик йилларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини такомиллаштириш, зарур ҳолатларда йириклаштириш тадбирлари қўрилди. Агар рақамларга мурожаат этадиган бўлсак, мамлакатимизда 1994-йилда 12 мингдан ортиқ ўзини ўзи бошқариш органлари шакллантирилган бўлса, уларнинг сони 2001-йилда 7847 тани ташкил этган [5]. 2017 йилга келиб улар сони 10 мингдан ортиқни ташкил этган. Бу эса мамлакат миқёсида ушбу тузилма фаолиятини бошқаришни тобора енгиллаштирмоқда.

Маълумки 1999-йил 14-апрелда қабул қилинган “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Қонунда уларнинг ваколатлари ва ҳуқуқлари белгиланган бўлса, 2013 йил 22 апрелда қабул қилинган “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари

тўғрисида”ги Қонуни ва 2017 йил февралдаги “Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Фармони уларнинг ваколатларини янада кенгайтди [6]. Ушбу Қонунларга асосан фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига, шунингдек, маҳалла фуқаролар йиғинига қуйидаги ҳуқуқлар берилган:

–аҳоли манфаатларини ифодалаш ва унинг номидан қарорлар қабул қилиш;

–Қонун ҳужжатларининг, шунингдек, ўз қарорларининг ижро этилиши бўйича жамоатчилик назоратини амалга ошириш;

–атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва ободонлаштириш юзасидан ўз ҳудудида жойлашган корхона, муассаса ва ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиш ҳуқуқлари берилди.

Фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантиришда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тизимидан мустақил фаолият олиб бориши ҳам муҳим аҳамият касб этади. Яъни, ушбу тизим давлат ҳокимияти органига қирмайди ва Қонун билан берилган ўз ваколатларини тегишли ҳудудда амалга ошира олади. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари юридик шахс ҳуқуқларидан фойдаланади, белгиланган намунадаги муҳрга эга бўлади ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларида ҳисобга олиниши кераклиги белгиланган [7].

Фуқаролик жамиятининг умумэтироф этилган нормаларига мувофиқ, агар ушбу тузилмага ўхшаш бошқарувнинг хориж мамлакатларидаги тизимига эътиборни қаратсак, унинг назарияси ва фаолиятига ғарб олимлари ўз шарт шароитларига мувофиқ тўхталиб ўтганлар. Жумладан, рус олимлари В.И. Фадеев ва Л.Е. Лаптевалар фуқароларни ўзини ўзи бошқарувининг моҳияти қуйи даражада ижтимоий ҳокимият манбаи бўлиш, кундалик ҳаётдаги масалалар бўйича мустақил қарор қабул қилиш ва унинг оқибати учун жавобгар бўлиш каби фуқаролик ҳуқуқларини тан олиш демакдир, дея қайд этадилар [8]. Л.А. Велиховнинг таъкидлашича, ўзини ўзи бошқариш ўз табиатига кўра, марказий ҳокимиятдан мустақил ва эркин бўлиш ҳуқуқига эга. Зеро, давлат уни вужудга келтирмайди, балки фақатгина эътироф этади [9].

Бу борада Ғарбда ўзини ўзи бошқарув тизими ўзига хос тарзда шакллантирилган. Масалан, германиялик давлат ва жамият назарияси билан шуғилланган Г.Еллинек маҳаллий ўзини ўзи бошқариш деганда, “...давлатнинг профессионал мансабдор лавозимига эга бўлмаган шахслар орқали бошқарилишини, бунда бошқарувдан манфаатдор шахслар воситасида давлатнинг бюроқаратик бошқарув тизимига қарама-қарши бўлган бошқарув” ни тушунади [10]. Унда муаллиф бошқарувнинг тўла демократик асосдаги фуқаролик жамиятига асосланган, Қонунларга тўла бўйсунувчи, ҳар қандай мафкурадан холи ўзига хос бошқаруви эканига урғу беради.

Англиялик И.Редлих эса маҳаллий ўзини ўзи бошқариш деганда, “Маҳаллий ҳокимият ёки унинг сайланган вакиллари Қонунчилик ҳокимияти томонидан тақдим этилган, ёхуд умумий ҳуқуқлар доирасида уларга тегишли бўлган вазифа ва ваколатларни амалга оширилиши” [11] ни тушунади.

Айрим Ғарбий Европа давлатларида, одатда шаҳар ва қишлоқ коммуналари маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг бошланғич ячейкаси ҳисобланиб, улар турлича номланади. Шунингдек, аҳоли сони ва ҳудуд ўлчами жиҳатидан бир-биридан фарқ қилади. Муниципалитетларни ташкил этиш ва бошқариш ана шундай тузилмалардан биридир. Бундай тузилмалар Буюк Британия, Германия, Франция ва Скандинавия

давлатларида амал қилади. Шу боисдан Ғарбий Европа давлатларидаги маҳаллий бошқарувни шартли равишда ўзаро алоқадор уч турга бўлиш мумкин, яъни тузилмавий, функционал ва ташкилий. Кундан кунга ошиб бораётган турли ижтимоий муаммоларни жойларда бартараф этиш учун муниципалитетларни катта шаҳарлар билан бирга, марказдан узоқ аҳоли пунктлари, яъни қишлоқларда тузишни талаб этмоқда [12]. Бу маҳаллий бошқарувдаги тузилмавий ислохотларининг типик кўринишидир.

Айни пайтда функционал ислохотлар ҳуқуқ ва мажбуриятлар унитар давлатларда ёки федерация субъектида маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари эга бўладиган эркинлик даражасини ўз ичига олади. Ташкилий ислохотлар эса асосан Европанинг Ғарбий қисмидаги айрим давлатларга хосдир. Масалан, Британия оролларида муниципал бошқарувнинг англо-саксон модели яратилган. Бу модел маҳаллий жамоалар, қавмлар, шунингдек шаҳарлар негизда юзага келади, уларни бошқариш тизими аста-секин мамлакатни бошқаришнинг давлат вертикалига киритиб борилади [11].

Қайд этилган олимларнинг фикрларидан шуни англаш мумкинки, шарқда мусулмон қоидаларига мос бошқарув, ғарбда эса ўзини ўзи бошқариш тизими сифатида асосан шаҳар муниципал бошқармалари ва уларнинг жойлардаги бўлимларининг фаолияти назарда тутилган. Бундай уюшмалар маҳаллий бошқарув тизими сифатида эътироф этилиб, улар энг асосийси давлат ҳокимиятидан мустақил равишда иш олиб борадилар. Уларнинг ваколат доираларига суд-полиция вазифаларини бажариш, айрим масалаларни ҳал этишда ҳукуматга тобе эмаслиги, сайлов жараёнларидаги овоз бериш ва унинг натижаларини назорат қилишдаги мустақиллик қабилардир. Яъни айрим вазифаларни бажаришда ҳукумат уларга ўз таъсирини ўтказмайдир.

Энди фуқаролик жамиятида маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларини бошқараётган маҳалла раисларининг ташаббускорлиги, жамиятдаги ўзгаришларга дахлдорлик ҳисси, қолаверса салоҳияти муҳим рол ўйнашини қайд этиш ўринли. Агар ракамларга мурожаат этадиган бўлсак, тадқиқотлар натижасида биргина 2006 йилда маҳалла фуқаролар йиғинлари расилари орасида 2970 нафари педагог, 1016 таси иктисодчи, 2412 нафари муҳандис ва агроном, 271 таси шифокор, 291 нафари ҳуқуқшунос, 2979 таси бошқа мутахассислар эканлигига амин бўлдик [13].

Бу эса уларнинг касбий, малакавий салоҳияти борасида, қайси касб эгаси бўлишидан қатъий назар, фуқаролик жамияти қуриш шароитида соҳа ходимларини бугунги кун ўзгаришлари ва ислохотларидан хабардор бўлиб боришларида муҳим рол ўйнайди. Демак, жамиятдаги бугунги шиддатли демократик ўзгаришлар мунтазам равишда улар билими ва малакасини ошириб боришни тақоза этади.

Бу борада 1999 йилда ташкил этилган Республика “Маҳалла зиёси” ўқув-услубий маркази муҳим рол ўйнади. Шу йили мазкур даргоҳда 450 раис ўз малакасини оширган бўлса, 2000 йилда ушбу ўқув марказида 2500 йиғин раислари, 445 та хотин-қизлар масалалари бўйича комиссия аъзолари ўз малакаларини оширганлар [14]. 2013 йил 10 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари малакасини оширишларини ташкил этиш тўғрисида” ги қарорига мувофиқ шу йилдан бошлаб раис, котиб, диний маърифий, маънавий ахлоқий масалалар бўйича раис ўринбосари ҳамда “Маҳалла посбони” жамоат тузилмаси ўз малакаларини оширадиган бўлдилар [15].

Ушбу тадбирга мувофиқ ҳар бир ҳудудда ташкил қилинган фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари

ходимларини ўқитиш ва малакасини ошириш бўйича ўқув курслари ўзини ўзи бошқаришни ривожлантириш, бу борада мавжуд муаммоларни ҳал этишга кўмак бермоқда. Масалан, 2014 йил мобайнида ушбу ўқув курсларида, жами ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг 35% ни ташкил этувчи 13 минг 983 нафар ходимлар ўқиб, малака оширганлар. 2017 йилда фақатгина 2 минг 68 нафар диний маърифий ва маънавий-ахлоқий масалалар бўйича раис маслаҳатчилари малака ўқув курсларида ўқиганлар [16].

Ўзбекистонда ҳам демократик давлатлар каби фукаролар йиғинларининг ижтимоий-сиёсий функциялари эътиборга олинди, уларнинг давлат ва маҳаллий бошқарувдаги иштироки, бу борада маҳаллий ҳокимият органларининг вазифалари алоҳида эътироф этилган [17]. Масалан, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 1-моддасида халқ депутатлари Кенгаши ва ҳоким Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан фукароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги алоқаларни, аҳолини вилоят, туман ва шаҳарни бошқаришга жалб этишни таъминлаши белгиланган.

2019 йил 1 февралдан бошлаб Президентнинг “Аҳоли муаммолари билан ишлашни янада такомиллаштириш чора тadbирлари тўғрисида” ги фармонида кўра Халқ қабулхоналарининг аҳоли мурожаатлари билан ишлаш бўйича амалдаги тизими билан бир қаторда, Халқ қабулхоналарининг муаммоларини уйма-уй юриш орқали аниқлаш ва ҳал қилишни, давлат органларининг аҳоли билан ишлашни назарда тутувчи янги тизим жорий қилинди [17].

Фукаролик жамияти қуриш шароитида бундай муаммолар ва уларни ҳал этиш борасидаги мурожаатлар инстанциясига мувофиқ, дунёнинг айрим ривожланган мамлакатлари мисолида қайд этадиган бўлсак, ушбу мамлакатларда ҳам фукаролар муҳим иқтисодий, ижтимоий ва бошқа муаммоларни ҳал этишда маҳаллий муниципал бошқармалар фаолиятига таянадилар. Ўрганишлар шуни кўрсатдики, ривожланган 22 та мамлакатда иш билан банд бўлмаган аҳолининг ўртача 4,9 фоизи бевосита ишсизликни бартараф этиш масаласида мазкур ташкилотга мурожаат этар экан. Бу кўрсаткич Нидерландияда 12,4, Ирландияда 11,5, Бельгияда 10,5, Исроилда 9,2, Австралияда 7,2, Буюк Британияда 6,2 фоизга тенгдир [18].

Таъкидлаш ўринлики, сўнги йилларда маҳалла институтини янада такомиллаштириш юзасида

қўрилган чора тadbирлар барча соҳаларда ижобий натижаларда ўз аксини топмоқда. Жумладан, бу борада мамлакатимиз Президентининг 2017 йил 3 февралдаги янги тахрирда қабул қилинган «Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тadbирлари тўғрисида» ги Фармони ҳамда 2018 йил 15 февралда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Маҳалла институтининг янада самарали фаолият юритишини таъминлаш чора-тadbирлари тўғрисида» ги қарори қабул қилиниши муҳим қадам болди [1]. Мамлакатимизда ўзини ўзи бошқариш органлари фукаролик жамиятининг асосий институти сифатида йилдан-йилга такомиллашиб бормоқда. Шунингдек, мазкур органларнинг бошқарув тизимидаги кўламнинг кенгайиб бориши билан ҳуқуқий давлатнинг ўз ваколатларини демократик тамойиллар асосида амалга ошириши учун қулай ва кенг имкониятлар пайдо бўлмоқда.

Бу борада фукаролик жамияти қуриш йўлида маҳалла тизими 2018 йилдан эътиборан ўз фаолиятининг янги даврига қадам қўйди, десак муболаға бўлмайди. Маҳалланинг фукаролик жамияти қуриш шароитидаги ўрни, шубҳасиз унинг жамоатчилик тузилмалари билан фаол ҳамкорлигидир. Қачонки ушбу тузилманинг жамоат бирлашмалари, уюшмалар, ННТ лар, сиёсий партиялар, банк тузилмалари, вазирликлар, кўмиталар билан самарали ҳамкорлиги йўлга қўйилсагина ўз мақсадига эришиши мумкин.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, мамлакатимизда фукаролик жамияти қуриш шароитида ушбу тизимни номарказлаштириш, шунингдек, фукаролик жамияти институтларининг давлат ҳуқуқий давлатнинг ролининг ошиши, давлатнинг ваколатига қирувчи кўплаб вазифаларни маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларига берилиши фукаролик жамиятини барпо этишда ҳар томонлама етук инсонларни тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади. Чунки, қонун устуворлиги, қонун олдида барчанинг тенглиги ва шу каби демократик тамойиллар қарор топади ва амалга ошади. Зеро, фукаролик жамият қурилишидаги мезонларни, маҳаллий давлат бошқарув тизимини ривожланган демократик давлатлар намунасида ва миллий андозалар асосида такомиллаштиришни, қуйи ҳокимият органларини замонавий фикр юритадиган, халқ манфаатларига содиқ, юқори малакали кадрлар билан мустаҳкамлашни, бир қатор ваколатли вазифаларини давлатдан маҳаллий ҳокимият органларига, фукароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига топширишни тақазо этмоқда, десак муболаға бўлмайди.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тadbирлари тўғрисида»ги Фармони. /«Халқ сўзи». 2017 йил. 4 февраль.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947 – сон Фармони. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. -№6 (766) – 70 модда. –Тошкент: “Адолат”, 2017.
3. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т.: 2017. 105-модда.
4. “Фукароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни// Қонун ҳужжатлари тўплами. -Т.: 1999.
5. Гуломов М. Маҳалла-фукаролик жамиятининг асоси. -Т.: 2003.
6. “Фукароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни// Қонун ҳужжатлари тўплами. -Т.: 1999; “Фукароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни// Қонун ҳужжатлари тўплами. -Т.: 2013; Ўзбекистон Республикасининг Президентининг “Фукароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тadbирлари тўғрисида” ги Фармони. “Халқ сўзи”, -Т.: 2017 йил, 5 февраль.
7. Фукаролар йиғинларида иш юритишни ташкил қилиш ва олиб бориш тартиби тўғрисида Низом. -Т.: 2009.; Фукаролар йиғинларида иш юритишни ташкил қилиш ва олиб бориш тартиби тўғрисида Низом. -Т.: 2013.; Фукароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. -Т.: 2015.
8. Фадеев В.И Муниципальное право России. -М.: 1994. Фадеев В.И Гарантии прав местного управления. -М.: 1994.; Лаптева Л.Е Об истории земских учреждений в России. // Государство и право. –М.: 1993. -№8.
9. Велихов Л.А. Основы городского хозяйства. –Обнинск: 1995.
10. Еллинек Г. Общее учение о государстве. СПб.: 1908.
11. Редлих И. Английское местное самоуправление. -СПб.: 1908. Т. 2.

12. Летовска Е. Как начиналась работа уполномоченного по гражданским правам. Т. 1. -М.: 1997.; Carlos Perese Fernandes. History of the origin from Civil protector before protector of folk. Estrategia Global. 2003 №11.; Бойцова В.В. Служба защиты прав человека и гражданина. Мировой опыт. -М.: «БЕК», 1996.
13. Маликова Г. Фукарларнинг ўзини ўзи бошқариш институтининг конституциявий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш муаммолари. Юридик фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. Автореферати. -Т.: 2009.
14. Умарова Г. Ўзбекистонда ўзини ўзи бошқариш органларининг шаклланиши ва такомиллаштириш тарихи. (1991-2001 й). Тарих фан номз. дисс. автореферати. -Т.: 2002.
15. Саиткосимов А. Система повышения квалификации работников органов самоуправления граждан. // Фукарлиқ жамияти. 2016 №3.
16. Малакали кадрларга эҳтиёж катта. / «Маҳалла», 2018 йил 27 январ. №11-сон.
17. “Фукарларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига шарҳ. -Т.: “Ўзбекистон”, 2009.
18. Анхайер Хельмут. Гражданское общество и «третий сектор». //«Deutschland», 2000, №5.

РЕЗЮМЕ

Маколада Ўзбекистонда ўзини ўзи бошқариш органи, яъни маҳалла ва унинг бугунги кун талаблари доирасидаги фаолияти-ни ёритиш масаласига давлат сиёсати даражасида фукарлиқ жамиятини шакллантиришга аҳамият қаратилган. Шу билан бирга унда мазкур соҳадаги мавжуд муаммолар ва уларни бартараф қилиш борасида маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда мутасадди ташкилотлар томонидан амалга оширилаётган ишлар ёритилган.

РЕЗЮМЕ

Статья посвящена потребностям формирования гражданского общества на уровне государственной политики в сфере охвата органов самоуправления в Узбекистане, то есть деятельности махалли и её сегодняшних потребностях. В то же время в ней изложены существующие проблемы в этой области и работа, проделанная органами самоуправления и организациями для их решения.

SUMMARY

The article is devoted to the needs of forming a civil society at the level of state policy in the scope of self-government bodies in Uzbekistan, the activities of the mahalla and its current needs. At the same time, it outlines the existing problems in this area and the work done by self-governing bodies and organizations to solve them.

TO THE QUESTION OF SEARCH FOR UPBRINGING THOUGHTS IN THE ANALYSIS OF PUBLICATIONS ON ISLAMIC CULTURE

K.B.Kadyrov - *candidate of pedagogical sciences, docent*
Termez branch of Tashkent state Pedagogical university

Таянч сўзлар: ислом маданияти, тарбия, фикрлар, қарашлар, ислом дини.

Ключевые слова: исламская культура, воспитание, мысли, взгляды, история, исламская религия.

Key words: Islamic culture, upbringing, thoughts, views, Islamic religion.

Introduction The Islamic upbringing has many advantages, including unique virtues that are unique to it. But their attractiveness individually depends on the spiritual and moral needs of the older generation.

Particular attention is paid to a gentle and kind attitude towards children. It is known that the Prophet kissed his children, grandchildren, played with them, and also played and joked with other children. Passing the children, he always smiled and greeted them.

Uprightness or the right path is the true path. Justice, which means uprightiness, consists according to Muslim law of following the right road, turning away from what is forbidden and encouraging the ascendancy of reason over passion.

Equity is synonymous with justice, i.e. level-headedness, uprightiness and a predilection for what is right. It is a happy mean between too much and too little. According to the jurists, it consists of ‘the virtue people bring to performing their religion, and nobility of the soul; they explain this term by saying that nobility of the soul consists of adorning oneself with everything that beautifies and avoiding everything that disfigures or sullies. To philosophers it is the ideal principle, natural or positive, that defines the Law and requires it to be observed and enforced [5:84].

CONSIDERATIONS Whereas Aristotle had studied the polis (city-state), the subject of Ibn Khaldun's study was human association (al-ijtima' al-insani) or civilisation ('umran). This human association is necessary (daruri). Ibn Khaldun followed Aristotle in asserting that man is “political” by nature. That is, he cannot do without the social organisation for which the philosophers use the technical term “city (polis: state)”?

Aristotle had applied his scientific method to the study of the polis (city state), but this work was obviously incomplete and largely unknown to Ibn Khaldun. Ibn Khaldun developed the Aristotelian method by incorporating his own specific historical methodology. He claimed he was aware

of the issues involved in the study of society and history with God's help and without the instruction of Aristotle. He proceeded to apply this updated version of the Aristotelian method to the study of society as a whole [3:170].

Ibn Khaldun spent much of his later life as a senior Religious Judge. He did not consider the Sultan to have become Caliph by default. Rather, the duty of sustaining the Shari'a falls primarily on specifically religious personnel, the 'ulama. In his own life, especially after he went to Egypt, Ibn Khaldun seems, like most Sunni Jurists (but not Ibn Taymiyya) to have accepted the existing order, in which the 'ulama preside over those communal and personal ethics and regulations which fall under the Shari'a, while leaving political power to the Sultan and his officials, backed by coercion and military force [3:179].

These remained distinctively Islamic states in the sense that religious personnel oversaw important aspects of social and moral life. Political and religious power remained, on the whole, in separate hands but in symbiosis with one another. The political importance and role of Islam varied considerably between them and between different periods within each state. Attempts to compare these states are contentious, the more so it would seem the closer people look.

Culturally the regions these dynasties governed had much in common. In some respects, there was no cultural boundary between the Danube and the Ganges, just as in Europe high culture could cross confessional divides. But, as in Europe new developments tended not to do so, and in terms of religious thought and political culture Shi'ite Iran effectively cut the eastern and the western branches of Sufism off from each other for a while. The Mughals looked to Iran for models of political management, correct account keeping and understanding of realpolitik. They consider themselves a central Asian dynasty, the rightful heirs of Timur, looking back nostalgically at Transoxiana, “the graveyard of our ancestors”: the Taj Mahal New its inspiration from Samarkand, Poets, 'ulama and ambitious men migrated from Iran to the Mughal court, where Persian was